

Ҳайдарободдаги масжидларда дунёвий илмлар ўргатилмоқда



18:00 / 14.03.2021 1509

Ҳайдоробод шаҳрининг 12 та таниқли бўлган масжидларида ўғил болаларга диний билимлар билан бир қаторда инглиз тили, математика ва илм-фан соҳалари бўйича дарслар ўтилмоқда. Бу ҳақда newindianexpress.com манбаси хабар беради. Ушбу дастурни «MS Education Society» раҳбари ММ Ҳусайн ва ўқитувчи Зокир Ҳусайн ҳамда бошқалар ташкиллаштирди.

Бу ташаббус Ҳайдарободдаги «Човк» масжидидан бошланиб, яна 20 та масжидни қамраб олган. Талабаларга қўшимча равишда асосий кўникмалар бўйича ҳам дарслар ўқитилмоқда.

«Човк» масжиди улкан кутубхонага эга бўлган ва шаҳар марказида жойлашгани ҳамда 20 та масжид орасидан ташаббус жорий этилгани, кенг имкониятлар борлиги сабабли шу ер дастурнинг илк босқич манзили бўлди.

Айниқса, мазкур дастур кам таъминлаган ўқувчиларга етарли даражада билим олиши учун жуда катта тўртки бўлмоқда. Чунки пандемия оқибатида мактабларнинг ёпилиши ўқувчилар билимини пасайишига олиб келган эди.

Дастур доирасида танлаб олинган яна бир масжид «Оламгир» масжиди бўлиб, бино 3 қаватдан иборат. Авваллари фақат ибодат учун хизмат қилган бу масжидда энди дунёвий дарслар ҳам ўтилмоқда. Бундан олдин

ҳам хусусий ташкилотлар томонидан шу каби ташаббуслар амалга оширилган. Мисол учун, «Ёрдам қўли» фонди томонидан Ражендранагардаги «Мустафо» масжидида аёллар учун бепул соғломлаштириш маркази ишга туширилган эди. Юқумли бўлмаган касалликларни назорат қилиш учун ташкил этилган марказда 350 та аёл текширувдан ўтишга муваффақ бўлган.

Инглиз тилидан Зухра Зокирова таржимаси